

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-2/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир ҳайати:

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.
Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович,
т.ф.д., проф.
Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.
Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.
Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.
Жугинисов Тангирберген Исаевич, б.ф.н., доц.
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.
Каримов Улғубек Темирбаевич, DSc
Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.*

*Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.
Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.
Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д.,
проф.
Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.
Рўзбоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.
Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.
Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.
Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.
Сапарбаева Гуландам Машиариповна, ф.ф.ф.д.
Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.
Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.
Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович,
б.ф.д., академик
Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.
Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.
Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.
Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.
Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.
Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.
Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.
Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.
Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.
Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.
Худайбергана Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№2/4 (98), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. — 245 б. — Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими — Хоразм Маъмун академияси

**МУНДАРИЖА
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

Abduvokhidova H. Translation of agricultural terms	5
Artikova N.S. Dialogik nutq to'liqsiz gaplarni yaratuvchi omil sifatida	7
Artikova N.S. Methods of research of binuclear non-verbal sentences	10
Atajanova N.F. Xorazmlik shoiralar ijodidagi mumtoz adabiy an'analarning davom ettirilishi xususida	14
Azizova M. Comprehensive understanding english language in ESP classes	18
Babakulova L.R. Terminology and translation problems in teaching English	21
Bobojonova N.J. Categorization in english cognitive linguistics	23
Chorieva A., Lokteva N. American literature's "Family chronicle genre" in the second half of the 22th century	26
Daliev M.X. Semantic and cognitive approach to the modern english terminology	28
Daminov N.K. Formation of resistance to stress in the process of simultaneous interpreting	30
Davletova D.N. Fe'lli kollokatsiya (turg'un birlikma) tushunchasi va uning ingliz va o'zbek tillarida ifodalanishi	35
Erdanova Z.A. Description of human professional activity in English and Uzbek phraseology	37
Eshniyozova G.H. Halima Xudoyberdiyeva she'riyatida qo'llanilgan badiiy san'atlarning lingvopoetikasi	40
Haydarov A.A., Xayrullayeva G. Turli sistem tillarda so'z ma'nolari kuchaytirishning leksik vositalari	42
Jabborova H.A. Radio tilining milliy – madaniy xususiyatlari: hushmuomalalik tamoyili	45
Jalilova L.J., Axmedova M.F. J.K. Roulingning "Garri Potter" asarida yosh psixologiyasi	47
Kadirova A.Kh. Qualificattion and skills required of a simultaneous interpreter	50
Kasimova S.M. About the mechanisms that provide understanding of the original text while speaking text in the target language	52
Kimsanboyeva B.N. Kvantitativlikning topishmoqlarda izohlanishi	55
Khaydarova L. The description of social life and the usage of syntactic stylistic devices in the novel "Hard times" by Charles Dickens	57
Khayitova D.B. Language units as means of intercultural communication	61
Masharipova Z. Halima Ahmedova she'riyatida pafosning namoyon bo'lishi	63
Mirabdullayeva S., Abduvokhidova H. Ingliz va o'zbek tillarida metaforalarning tavsifi, ishlatilishi va ilmiy ahamiyati	68
Narzulaeva D.B. Miracles of the Holy Koran	70
Niyazova M.Kh., Tuxtayeva M.A. The use of proverbs in the speech of characters by english and uzbek writers	73
Niyazova M.X., Temirova M. Dunyo tilshunosligida frazeologik birliklarni o'rganishning nazariy asoslari	75
Osmanov M.T. Cognitive and linguistic factors in improving reading comprehension on the base of illustrated texts	77
Polvannazirova S.X. Kontrastiv lingvistika va tarjimaning o'zaro munosabati	79
Qarshiyeva Sh.T., Yuldashev A.A. O'zbek va ingliz tillaridagi frazeologik birliklarning qiyosiy etimologiyasi	82
Qobilova N.S., Barotova N.Sh. Linguistic and cognitive features of negative attitudes in english and uzbek languages	84
Qobilova N.S., Nurullayeva U.B. Frazeologik birliklar xalqning milliy-madaniy xususiyatlari oynasi sifatida	87
Qodirova H.X. Ingliz va o'zbek tillarida soxta diskursning pragmatik parametrlari	91
Qosimova F.X., A'zamjonova M.S. Ingliz va o'zbek lingvokulturologiyasida "Baxt" konsepti	93
Qurbonova M.I. Alisher Navoiy xamsasidagi Farhod va Majnun obrazlarining qiyosiy tahlili	96
Ochilova N. Tarjimada sinonimik qatordagi so'zlardan foydalanish muammolari	98
Raximova M.A. Termin va atamalar haqida ayrim mulohazalar	102
Raxmatova M.M., Aslonova Sh.Z. Inson kommunikatsiyasining hosil bo'lishi jarayonida diskursning roli	105

Saidova M.U., Jamolova M.B. The nature of mythology in literature	109
Saidova M.U., Zabieva V.Kh. Closer view to task-based language teaching	112
Saidova Z.B. Normurod Norqobilov qissalaridagi metaforaning lisoniy xususiyatlari	116
Shirinqulova Sh.M. Zamonaviy atamashunoslik, uning nazariy asoslari va tibbiy atamashunoslikni shakllantirish	119
Shodiyeva M.N. Xitoy tilida dehqonchilikka oid leksikalar va ularning xususiyati	122
Toirova U.S. Normurod Norqobilovning "Dashtu dalalarda" asarida bo'ri zoosemasi	124
Usmanova L.A., Saidqodirova D.S. Phenomenon of metaphorization in computer terminology	126
Xusainova G.Sh. Xorazm viloyatidagi moddiy madaniy meros obyektlarining nomlanishining o'ziga xos xususiyatlari	129
Yadgarova Z.T. Super-segment phonostylistics: pitch, loudness, and length of sounds	133
Yodgorova Z.G'. Media tilida modallik kategoriyasining lingvistik asoslari	135
Yusupova M.A. Tilshunoslikda badiiy tarjimaning takomillashtirish ahamiyati	138
Yusupova Sh.A. Structural features of pedagogical terms in english and uzbek	140
Zhomardova D.K. Research of appellative lexicon in linguistics	143
Zubaydullayeva H.T. Complex paradigm of linguistic analysis of artistic text and adaptation to the learning process	145
Абдугаффарова Г.А. Инглиз тилида хушмуомалаликни ифодалашнинг лексик воситалари	148
Абдурахманова М.У. Ўзбек тилида касаллик номларининг эвфемизацияси	152
Азимова С.Х. Локутивный/иллокутивный акт "выражения отказов": прагматический анализ	155
Батыршина Ж.К. Воспитательные принципы художественного и филологического лейтмотива в поэтике романа М. Булгакова "Мастер и Маргарита " на основе формулы зеркальности	158
Бектурсынова А.М. Композиционный анализ текстового массива М.М. Бахтина, репрезентирующего идиодискурс ученого	160
Бердикулова Г.И. Социолингвистические аспекты обучения русскому языку местного населения Туркестана	166
Болтаева И.Т. Адабий ворисийлик моҳияти	170
Буриева Ф.Н. Шеърятда салафларга издошлик ва индивидуаллик	173
Ганиева Г.З. Инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг турлича таснифланиши	177
Гаппаров А.Қ. Публицистик матнда ижтимоий-сиёсий лексиканинг тавсифи	181
Довлетов Ш.А. Грецизмы, пришедшие из других языков	184
Жаббарова М. Ги Де Мопассон ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг аёллар тасвирида алвасти ва ёсуман образларидан фойдаланиш маҳорати	188
Матякубова О.М. Француз тилида гап таркибли бирликларнинг грамматик-семантик типлари	192
Муминова М.А. Инглиз тилидаги "time" концептли лексемалар таҳлили	196
Нарходжаева Х. Шахслараро муносабатда расмий мулоқотнинг ўрни	199
Насруллаев Э.Ж., Абдуллаев Х.Б. Навоий шеърятдаги ирфоний маънолар талкини	202
Раимова Н.А. Хоразм дostonлари шеърятда бармоқ вази	207
Сувонов З. Бадий матнни лингвистик экспертиза қилишнинг методологик муаммоси	213
Сулайманова Н.Ж. Оламнинг комик манзарасида баҳо концептларининг ўрни	217
Турдикулова Б. Инглиз ва ўзбек тилларидаги геология терминларининг полисемантик муносабатлари	223
Утемуратова З.А. Особенности терминологических единиц в строительной отрасли	226
Халимова Ф.Р. Концепт, концептосфера ёки концептуал майдон	228
Худайкулова Л. Оилавий-маиший маросимлар тизимидаги удумлар ҳақида	233
Шарипова А.А. Электрон лексикографик манбаларнинг тавсифи ва таснифи	236
Якубов М.К. Амир Темур шахсига бағишланган илмий тадқиқотлар	239
Янгибоева С.Р. Тоҳир Маликнинг "Фалак" қиссасида диний-маърифий масалаларнинг бадий талкини хусусида	242

фисташки – pistacche – πιστάκιον – от перс. pista, фраза – phrase - φράσις, экстаз – extase – εκστασις «исступление». Как можно заметить по приведённым примерам, большинство заимствований относятся к тематическим группам «Наука», «Культура», «Социум», что характеризует эпоху, когда они появились.

Через посредство итальянского языка в русский язык проникли слова: баритон – baritono – βαρυτονος, катакомбы – catacumba – ката «вниз» + лат. tumba «могила», торс – torso – θυρσος.

Через испанский язык взяты слова: гитара – guitarra – κιθαρα, индиго – indigo – ινδικον.

С арабского языка пришли слова: алхимия [4] – ср.-лат. alchimia – от араб. al-kimia – χυμεία, амальгама [5] – лат. amalgama – от араб. Al-malaga – μαλαγμα «размягчение», алгоритм – от книги Аль-Хорезми «Алгоритм о счёте индийском» – αριθμος «число, счёт».

Немецкий язык также служил «каналом», проводившим грецизмы в русский язык: гармоника [6] – harmonika – αρμονικοζ, гимназия – Gymnasium – γυμναζω, имбирь – ingewer – ζυγγιβερις, истерика – hysterica – υστερα «матка», канифоль – kolophonium – κολοφωνια, карат – carato – от араб. kirat – κερατιον, метафизика – metaphysica – τα μετα τα φυσικα, карниз – karnies – κορωνις, машина – maschine – μαχανα, пергамент – pergament – περγαμηνος, плац – platz – πλατεια «улица», пурпур – purpur – πορφυρα, протокол – protokoll – πρωτοκολλον, страус – strauss – στρουθος, фазан – fasan – φασιανος, эстетика – esthetica – αισθητικη.

Посредством английского заимствованы: сплин – spleen – σπλην, утопия – utopia – ου «нет» + торос «место», полисмен – police + man – πολις.

Через посредство турецкого пришли слова: лиман – liman – λιμενι(ον) «залив», Стамбул – Istanbul – Στημπολι (εις την πολιν) «в город».

Таким образом, прослеживая волну заимствований грецизмов, мы можем разделить их на три условных периода:

1) «Дохристианский период» с VII по XV века, где основным донором выступают византийский и восточнославянские языки;

2) Петровская эпоха с XVII по XVIII века, основные заимствования осуществляются через посредство голландского и немецкого языков;

3) С XVIII века по настоящее время грецизмы заимствуются в качестве интернационализмов.

Автор выражает благодарность своему преподавателю, DSc Чупонову Отаназару Отажоновичу за ценные советы и рекомендации по оформлению статьи.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Dr. Fr. Oscar Weise. Die griechischen Wörter im Latein. Leipzig 1882.
2. Буслаев Ф.И. Историческая хрестоматия, 1861.
3. Грот Я. Филологическія разысканія. Т. I, 1885.
4. Ожегов С. И. Словарь русского языка. Москва: Русский язык, 1990.
5. Словарь русского языка, составленный Вторым Отдѣленіемъ Императорской Академіи Наукъ. Выпускъ первый, 1891.
6. Словарь русского языка, составленный Вторымъ Отдѣленіемъ Императорской Академіи Наукъ. Выпускъ второй, 1892.

УЎК 82-1

ГИ ДЕ МОПАССОН ҲАМДА АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ АЁЛЛАР ТАСВИРИДА АЛВАСТИ ВА ЁСУМАН ОБРАЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ *М.Жаббарова, катта ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро*

Аннотация. Ушбу мақолада Ги де Мопассоннинг “Алвасти”, “Мурданинг қўли” ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг “Ёсуман” ҳикояларида аёллар тасвирида алвасти ва ёсуман образларидан фойдаланиш маҳорати тасвирланган. Ҳар иккала ёзувчи аёлларнинг ижобий ҳамда салбий характерлардаги типологик ўхшаш хусусиятлари маҳорат билан очиб берилган.

Калит сўзлар: қиёфа, маккора, сохта бека, ёвузлик фариштаси, ёсуман, алвасти, силсила, характер-хусусият, фожиавийлик, стилизация.

Аннотация. В данной статье описывается мастерство использования образов алвасти и ёсумана в характере женщин в рассказах Ги де Мопассона «Альвасти», «Рука трупа» и «Ёсуман» Абдуллы Каххора. Умело выявлено типологическое сходство положительных и отрицательных черты женщин со стороны обеих писателей.

Ключевые слова: внешность, лукавство, ложная любовница, ангел зла, ёсуман, алвасти, силсила, поведение, черта характера, трагедия, стилизация.

Abstract. This article describes the mastery of using the images of Alvasti and Yosuman in the character of women in Guy de Maupasson's stories "Alvasti", "The Hand of a Corpse" and "Yosuman" by Abdullah Kahkhor. The typological similarity of the positive and negative traits of women by both writers was skillfully revealed.

Key words: appearance, slyness, false lover, evil angel, yosuman, alvasti, silsila, behavior, character trait, tragedy, stylization.

Ги де Мопассон ҳамда Абдулла Қаҳҳор асарларида аёллар ҳар доим ижобий характерда тасвирланмаган. Улар гоҳ ижобий, гоҳ салбий характерда акс эттирилган. Аёл образлари хотин, оила бекаси, рафиқа, келин, қайнона сиймоларида, баъзан бошқарувчи, баъзан итоаткор қиёфада гавдалантирилган. Улар орасида сохта бека, маккора, ёвузлик фариштаси, ёсуман, алвасти каби жоҳил, комик типдаги характерлар типлари ҳам учрайди. Аёллар, одатда, гўзаллик ҳилқати сифатида таърифланади. Аммо улар билан боғлиқ фожиавийликни ҳам кузатиш мумкин. Шунинг учун жаҳон адиблари ижодида аёллар ҳаёти билан боғлиқ фожиавийлик ёритилган асарлар алоҳида силсилани ташкил қилади. Бу эса асарларда икки хил ифода этилади: биринчиси – аёлнинг ўз хатти-ҳаракати, характер-хусусияти билан боғлиқ фожиавийлик; иккинчиси – аёлга эри, қайнонаси, баъзан ўз фарзанди ёки бошқа бировлар томонидан етказилган жабру жафодан келиб чиққан фожиавийлик.

Ги де Мопассоннинг “Алвасти” ҳикоясида бундай фожиавийликнинг ҳар иккала кўриниши ҳам учрайди. Жумладан, унда аёллар характеридаги фожиали қирралардан бири молу мулкка ҳирс муаммоси бадий тарзда очиқ берилган. Бунинг учун адиб умумфольклордаги алвасти образи стилизациясидан маҳорат билан фойдаланган. Ҳикояда Онорэ Бонтан исмли деҳқон ўлим тўшагида ётган тўқсон икки ёшлик кампир онасига қараб туриш учун Рапе энани ёллади ва ўзи ҳосилни йиғиш мавсуми бўлганлиги сабабли ишга кетади. Худди шу нуктада баъзи фарзандларнинг ўз онасига ачинмаслиги, бефарқлиги ёритилган. Бунга эса онанинг рўзгор ташвиши деб, боласига етарли эътибор ва меҳр беролмагани сабаб қилиб кўрсатилади. Бу билан адиб ҳар қандай вазиятда ҳам аёл, аввало, она эканини унутмаслиги лозимлиги эслатиб ўтилган.

Ҳикояда ўғли онаси ҳақида шундай дейди: “Онамнинг бошига етган шу меҳнат бўлди. Ишлайвериш шўрликнинг ҳолижони қолмади. Ахир беш кишининг ишини қиларди-да. Шундай бўлса ҳам тўқсондан ошди, ҳозир шунақа кампирни топиб кўр-чи!” Ёзувчи Рапе энани куйидагича тавсифлайди: “Рапе энанинг касби – кир дазмоллаш, ўз қишлоғида ва атрофдаги қишлоқларда ўсал торгонларнинг ёнида ўтириб ва ювғичилик қилишдан ҳам яна бир оз даромад қиларди. Биттасининг бошини кафанга чўлгаб бўлиши билан шошиб-пишиб, бедана юриш қилиб уйига кетар, уйда дазмолини шарақлатиб бировнинг кийимини дазмоллашга тушарди. Худди бултурги олмай бужмайган, баджаҳл, ўлгудай ҳасадчи, бениҳоя очкўз, бировларнинг кийимини дазмоллашдан ниҳоят бели синиб кетгандай икки букилиб қолган Рапе энада ўлим талвасасини кўришга ҳаёсиз ажиб бир иштиёқ бор эди. У кимнинг нимадан ўлгани, қандай қилиб жон бергани ҳақидагина сўзлар, ҳадеб бир нарсани қайта-қайта, икир-чикирларигача, худди отган ўқи хато кетмаган овчи сингари сўзлаб берарди”.

Ҳикоя қаҳрамони Онорэ Бонтан шу кампирдан онаси ўлгунча ёнида ўтиришга қанча ҳақ олишини сўраб, анча тортишади. Рапе эна эса керилиб, бойлардан кундузига қирқ су, кечасига уч франк, бошқалардан кундузига йигирма, кечасига қирқ су олишини айтади ва Онорега: “Демак сендан йигирмаю қирқдан оламан-да”, – деб айтади. Бу жавоб Онорэни ўйлантириб қўяди. Чунки у зуваласи пишиқ, унча-мунчага ўзини олдирмайдиган, жони қаттиқ онаси ҳали бир ҳафтага ҳам бориши мумкинлигини ўйлаб, дудмол-ланиб қолади, аммо кампирнинг

шартига ноилож кўнади. У “... кўтара савдо қилиб қўя қол. Иккаламиз толеъимиздан кўрамиз. Ахир, жони узилай-узилай деб турибди, деб аниқ айтди-ку. Агар шундай бўлса сенинг толеъинг – менинг ютқизганим. Агар эртагача ё ундан кўпроққа борса менинг толеъим – сенинг ютқизганинг” деганини эшитган ювғичи хотин ҳали ҳеч қачон ўлим-ни баҳолашиб кўрмагани учун ҳайрон бўлади. Шунинг учун Онорэ мени алдамоқчи деган шубҳага тушиб: “Онангни ўз кўзим билан кўрмагунча бир нарса дея олмайман”, – дейди.

Рапе эна тўшакка яқин бориб, ўсал ётган касалга ишонмагандай назар билан қарайди, томирини ушлайди, кўкрагига қўлини қўйиб кўради, нафас олишига қарайди, гапиртириб кўради; сўнг анчагача ўйлаб туриб, ниҳоят эшикка чиқади. Шундан сўнг у беморнинг эрталабгача етмаслигига шубҳа қилмайди. Аммо Онорега икки кунга бориши турган гап, балки уч кунга ҳам борар. Ҳаммасига олти франк берасан, дейди. Улар борбарака, олти франкка келишадилар.

Ювғичи хотин уйга қайтиб киради. У ишини олакелган эди. У ўлик ё жони узилай деб турганлар тепасида ўтирганида ҳам тинмасдан ўзининг ё уни ёллаган оиланинг ишини қилиб ўтирарди. Бу ҳам, албатта, қўшимча даромад эди-да. Кўп художуй Рапе эна Кюре жанобларини айтиб келиб, Бонтан онага калима ўгиртиради. Ювғичи хотинга ҳар бир ўтаётган дақиқа кампир ўғирлаётган вақт, кампир ўғирлаётган пулдай туюларди. Ҳадеса бу ўлакка ҳайвонни, эшакни, ўжар алвасти кампирни ҳалқумидан хиппа бўғгиси, уни – Рапени вақт ва пул йўқотишга мажбур қилаётган билинар-билинемас кучсиз нафасни тўхтатиб қўя қолгиси келарди.

У каравотга яқинроқ ўтириб: “Ҳали кўзингга алвасти кўрингани йўқми?” деб сўрайди. Шунда ювғичи хотин ўлай деяётган кампирнинг заифланган руҳини чўчитиш учун ваҳимали воқеаларни гапира бошлайди; ўлим олдидан кишининг кўзига албатта алвасти кўринади деб кампирни ишонтиради. У қўлида супурги билан, бошига қозонга ўхшаган нарса кийиб, бакириб-ҳайкириб келади дейди; сўнг шу йил ўзининг олдида Жозиф Лаузелъга, Эвлал Ратъега, Софи Панданга, Серафима Гропъеларга алвасти кўринганини айтиб беради. Бу гаплар ниҳоят кампирни ҳаяжонга солади. У қимирлар, қўллари ҳаракатланар, қайрилиб уйнинг қоронғи бурчагига қарашга уринарди.

Рапе шкафдан чойшабни олиб, унга ўралади, бошига қозон кияди, унинг учта қайрилган оёғи учта шохга ўхшаб қолади; ўнг қўлига катта супурги, сўл қўлига челақ олади ва тарақ-туруқ кўтариш учун челақни шифтга отади. Челақ тарақлаб ерга тушади. Шундан сўнг Рапе столга чиқиб каравотнинг поясидаги пардани кўтариб қўяди-да, ўсал ётган кампирнинг кўзига кўринади. Шу топда у энгагигача тушириб олган қозон тагидаги товушининг борица қичқирар ва чодир ҳаёлдаги шайтон сингари, жони узилай деб зўрға нафас олаётган кампирга ҳамла қиларди. Шошиб қолган ва эсидан адашган Бонтан она тўшакдан туриб қочмоқчи бўлади ва аранг ўрнидан кўзғалади. У ҳатто кўкрагини ҳам кўтара олади, лекин оҳ деганича муккасидан йиқилиб, дунёдан ўтади.

Рапе эна бўлса, шошмасдан, ҳамма нарсани жой-жойига: супургини бурчакка шкаф орқасига, чойшабни шкафга, қозонни печ устига, челақни тоқчага, стулни девор ёнига саранжомлаб қўяди; сўнг ўрганиб кетган ҳаракатлар билан ўликнинг катта очилиб қолган кўзларини юмади: каравотга ликопча қўяди, унга муқаддас сувдан қуйиб, жавон тепасида турган бука шохини солиб қўяди, чўкка тушиб олиб, ҳунари орқасида ёд бўлиб кетган, ўликка бағишладиган дуоларни пичирлаб ўқий бошлайди.

Кечкурун Онорэ келганда уни ҳамон дуо ўқиб ўтирган ҳолда кўради ва ўша заҳоти ҳисоб-китоб қила бошлайди, ҳар қалай ювғичи кампир йигирма су ортиқча оладиган бўлипти, негаким, бу ерда уч куну бир кечани ўтказди. Демақ беш франклик хизмат қилди. Пул олишга келганда у олти франк олди.

Ги де Мопассоннинг Аҳмад Отабой таржима қилган “Мурданинг қўли” ҳикоясида донғи кетган бир қари жодугар ҳақида сўз юритилади. Ҳикоя мазмуни марҳумларнинг оромини бузмасликка қаратилган.

Айтилишича, бир жодугарнинг кўқир-сўқирларини сотишганида бир талаба йигит мурда қўлини сотиб олиб, жўраларига кўрсатади. Унинг айтишича, жодугар ҳар ҳафтанинг

шанбасида супургисига миниб, жинлар базмига отланган, жодугарлик билан шуғулланган, сигирларга кинна солганида жониворларнинг сути кўм-кўк кўкариб, думлари худди авлиё Антонийнинг надиминикидай тиккасига буралиб кетаркан, ўша қари алвасти мана шу қўлга жуда меҳр қўйган экан. Яна йигитнинг айтишича, бу қўл ўзининг қонуний хотинини боши билан қудуққа ташлаб юборгани ва бунгача ўзларини никоҳлаган руҳонийни жомнинг арқонига осиб ўлдиргани учун 1736 йили қатл этилган донғи кетган бир каллақесарга мансуб эмиш. Ана шу қўшалок жасоратни амалга оширганидан сўнг у беҳад оғир жиноятларга ҳам қўл уради, ўзининг хийла қисқа ва айни пайтда саргузаштларга тўлиб-тошган умри мобайнида юзлаб сайёҳларни шилади, монастырда йигирматача руҳонийни тутунга қамаб бўғиб ўлдиради, аёллар монастырини ҳарамга айлантиради. Кўринадики, “Мурданинг қўли” ҳикоясида мурдалар (арвоҳлар), кабристон даҳшати тасвирланганки, шу ўринда худди шундай тасвирларга эга Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикояси сюжети ёдга келади.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Муҳаббат” қиссаси таркибидан ўрин олган “Ёсу-ман” ҳикоясида Муҳайё ва Анвар муҳаббати йўлига тўғаноқ бўлган Марғуба ёсуманга тенглаштирилади. У ҳамманинг олдида “Бу олқинди қиз олмаган йигитнинг бошини айлантеририб юрибди!” деб додлаб, атрофига одам йиғади ва гоҳ Муҳайёни, гоҳ Анварни юлгани ҳамла қилади. Шунда хонатлас қўйлак кийган семиз бир хотин лапанглаганича Муҳайёга яқин бориб “Ўл бу кунингдан! Сенга ўхшаганларнинг қораси юқиб, ўқиган қизларнинг ҳаммаси ҳаромга ўхшаб қолди!” – дейди.

Марғуба Муҳайёнинг шаънига хотин кишининг оғзидан чиқиши мумкин бўлмаган гапларни айтади. Муҳайё юзини икки қўли билан чангаллаб йиғлар, инграр, тўлғанар эди. Шунда Анвар Муҳайёни бағрига босиб жонини бергу-дай бўлиб, бор товуши билан: “Ўртоқ сержант! Ёлғон! Бу ёсуман Муҳайёга тухмат қилаётибди! Муҳайё менинг хотиним!” – деб қичқиради. Бу гапдан сўнг сержант ҳам Марғубага ҳест бериб: “Булар-ку, эр-хотин экан, сиз нима қилиб юрибсиз орада ёсуман бўлиб?” – дейди.

Ёсуман деганда, фольклор ва ёзма адабиётда маккорлик рамзи бўлган салбий персонаж тушунилади. Ўзбек халқ афсона, эртақ ва дostonларида ёсуман жодугар, айёр, маккор, хийлагар кампир номлари билан келтирилади. Ёсуман, одатда, алдов ва хийла билан пок инсонларнинг ҳаётига зомин бўла-ди. Қиз билан ота, она билан ўғил, ошиқ билан маъшук орасига нифоқ сола-ди. Алишер Навоий ҳам “Фарҳод ва Ширин” достонида ёсуман кампир обра-зидан фойдаланиб, енгилмас Фарҳодни хийла билан беҳуш қилиб, Хисрав ҳузурига келтиради.

Хуллас, ана шу анъанага мувофиқ, Абдулла Қаҳҳор ҳам “Муҳаббат” қиссаси таркибидан ўрин олган “Ёсуман” ҳикоясида Муҳайё ва Анвар муно-сабатларига нифоқ солмоқчи бўлган хийлагар Марғубани ёсуманга ўхшатган. Бу ўринда ёзувчи ёсуман номидан аллюзив (ишора қилувчи) ном сифатида фойдаланган. Чунки асарда Марғуба айёр, маккор, хийлагар сифатида, авва-ло, биринчи турмуш ўртоғи Ҳакимжон (Муҳайёнинг отаси) ҳаётини барбод қилади. У ўнинчи синфга ўтиб юрганида ёш адабиёт муаллими Ҳакимжонга зимдан “хужумлар”и билан уни кечалари шифтга қараб оҳ тортадиган, ётган еридан туриб шеърлар ёзадиган қилиб қўяди. Ҳакимжон Марғубага совчи қўйиб уйланади, аммо бир-икки йилдан кейин турмушларининг тахири чиқа бошлайди: аввало, Ҳакимжон Марғубани ўқишга кўндиролмайди, на бирон хунар орттиришга; сўнгра Марғуба туғишни хоҳламайди – Ҳакимжондан яширинча икки марта ҳомиласини нобуд қилади. Буларнинг устига жаҳон нотинч бўлиб, мамлакатда қийинчилик бошланади. Марғуба бу қийинчи-ликнинг оила ҳаётига бўлган таъсирини Ҳакимжоннинг ношуд-нотавонли-гидан деб билиб, серхархаша бўлиб қолади. Буларнинг турмушига кун сайин туз солаётган бу сабабларни акаси Мурод Али ҳам бартараф қилолмайди, янгаси Роҳатбегим ҳам; аксинча, буларнинг аралашуви Марғубани андиша-сиз қилиб қўяди. Ҳакимжон урушга кетиб қайтиб келгунича, бошқадан ҳомиладор бўлиб олади. Марғубанинг яна бир ёсуманлик қиёфаси акаси Мурод Алидан қолган ҳовли-жой, машина, кассадаги нақд пул, Анварнинг онасидан қолган бир дунё тақинчоқларга эга бўлиш учун охирги эри Жавлоннинг қизи Муаттарга жияни Анварни уйлантирмоқчи бўлишида очилади.

Абдулла Қаҳҳор ўз ижодида ўзаро муносабат принципида шаклланган ижобий Муҳайё образи характер типига зид равишда маккора ва айёр Мар-ғуба образи типини кўрсатди. Гўзал ва хушхулқ, покдомон табиатли Муҳайё-га ёвуз ва худбин, маккора Марғуба характери карама-қарши тарзда тасвир-ланган. Натижада аёл характерининг икки типи жуфт тарзда намоён бўлган. Уларнинг тасвирида кучли контрастликни кўриш мумкин. Аёл характерини салбий тип сифатида тасвирлаш Ги де Мопассон ижодига ҳам хос услуб.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулла Қаҳҳор. Муҳаббат қиссаси. Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 325-329 б.
2. Ги де Мопассан. Собрание сочинений в семи томах. Том 1. – Москва: издательство “Правда”, 1977.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ё ҳарфи. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. – 51-Б.

УЎК 811.1/2

ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ГАП ТАРКИБЛИ БИРЛИКЛАРНИНГ ГРАММАТИК-СЕМАНТИК ТИПЛАРИ

О.М. Матякубова, мустақил тадқиқотчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада француз тилидаги гап таркибли фразеологик бирликларнинг грамматик-семантик типлари ҳақида гап боради. Фразеологик бирликларнинг ифодалайдиган мулоҳаза- мақсадига кўра турлари мисоллар ёрдамида очиб берилган.

Калит сўзлар: фразеологик бирликлар, коммуникатив бирлик, дарак гап, ундов гап, мустақил гап

Аннотация. В данной статье рассматриваются грамматико-семантические типы фразеологизмов французского языка. Виды фразеологизмов по смыслу высказывания раскрыты на примерах.

Ключевые слова: фразеологизмы, коммуникативная единица, изъявительное предложение, восклицательное предложение, самостоятельное предложение

Abstract. This article is about the grammatical-semantic types of sentence structured phraseological units in the French language. According to the purpose and reason of phraseological units, the types are revealed by examples.

Key words: Phraseological units, communicative units, declarative sentence, exclamatory sentence, independent clause

Турли хусусиятларга эга бўлган фразеологизмлар мажмуи тилнинг фразеологик қатламини ташкил этади. Тилнинг фразеологик қатлами доимий равишда янги фразеологизмлар билан бойиб боради, бу эса халқнинг маданий-тарихий тажрибасини ва муайян тилнинг тарихий тараққиёт қонунларини акс эттиради. Луғат сатҳидаги фразеологик қатлам ва турғун тил бирликларини ўрганувчи тилшуносликнинг мустақил соҳаси фразеология фанидир.

Бажарадиган коммуникатив вазифасига кўра гапларни дарак, сўроқ ва ундов гапларга ажратиш қабул қилинган [1].

Гап таркибли фразеологик бирликларга хос бўлган эмоционал тус берилганликни ҳисобга олиб, кўрсатилган коммуникатив типлар билан бир қаторда ундов гапларни ҳам алоҳида кўриб чиқиш лозимдек туюлади [2].

Ифодалайдиган мулоҳаза мақсади бўйича гап таркибли фразеологик бирликлар (ГФБлар) бўйича олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, асосий ва энг кўп тарқалган коммуникатив бирлик бу - дарак гап ҳисобланади. Чунки ГФБларнинг кўпчилиги воқеликнинг қандайдир факти ҳақида хабар беради, бирон-бир ҳодисани ёки воқеани номлайди.

Турғун сўз бирикмали гаплар сингари, дарак ГФБлар ҳам хабарнинг тасдиқланишини ёки инкор қилинишини ифодалайди, яъни тушунчалар ўртасида реал алоқаларнинг борлиги ёки йўқлигини кўрсатади. Қуйидаги бирликлар тасдиқ ва инкор ГФБларга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин:

Дарак ГФБлар: